

11-01/76-son

15 avgust 2024 yil.

"ТАСДИҚЛАЙМАН"



Вилоят ҳокими

Н.Т.Турсунов

Вилоят ҳокимлигининг аппарат йиғилиши  
БАЁНИ

2024 йил 12 август

Навоий шаҳри

Раислик қилувчи:

Н.Турсунов - вилоят ҳокими

Қатнашдилар:

Вилоят ҳокими ўринбосарлари, гуруҳ раҳбарлари, котибият мудирлари, вилоят, шаҳар, туман сектор раҳбарлари, шаҳар, туман ҳокимлари ва уларнинг ўринбосарлари, кун тартибидаги масалаларга алоқадор ташкилот ва муассаса раҳбарлари (рўйхат бўйича)

**КУН ТАРТИБИ:**

**1. Ижро интизомини мустаҳкамлаш** (олдинги аппарат йиғилишида берилган топшириқлар, [edo.ijro.uz](http://edo.ijro.uz) платформасидаги назоратдаги ҳужжатлар ижроси, сектор раҳбарлари томонидан ўтказилаётган сайёр қабуллар таҳлили);

**2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 9 январдаги ПҚ-7-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида аҳоли бандлигини таъминлашга кўмаклашиш ва “ишсизликдан ҳоли ҳудуд”га айлантириш** бўйича маҳаллаларга бириктирилган масъуллар ва сектор раҳбарларининг ҳисоботи тўғрисида;

**3. Бюджет параметрлари ижросини таъминлаш, мол-мулк ва ер солиғини ундириш ҳамда 3-чорак режасини бажариш** бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида;

**4. Бошқарув сервис компаниялари ва ширкатлар фаолияти, уларнинг ҳамда “Навоий сув таъминоти” АЖ ва “Иссиқлик манбаи” ДУКлар томонидан кўрсатилган хизматлардан ҳосил бўлган дебитор қарздорликларни кескин камайтириш** бўйича кўрилаётган чоралар тўғрисида;

## **5. Худудий инвестиция дастурларининг ижроси, лойиҳаларни ўз вақтида ишга тушириш бўйича амалга оширилаётган ишлар ва келгусидаги вазифалар тўғрисида.**

*(Н.Турсунов, Р.Сулаймонов, С.Ҳикматов, Ж.Ходжаев, А.Мирзаев, С.Назаров, Ф.Қувондиқов, Ғ.Алиев, Ғ.Бобоқулов, Д.Эргашев, В.Адилов, Б.Бобомуродов, А.Ўроқов, Н.Турсунов)*

Йиғилишда дастлаб, сектор раҳбарлари томонидан тасдиқланган режа-жадвал асосида белгиланган вақтда ва маҳаллаларда сайёр қабуллар ўтказмаётганликлари, сайёр қабуллар белгиланган вақтидан кечикиб бошланаётганликлари натижада, фуқаролар 3-4 соатлаб кутиб қолаётганликлари, баъзи бир сектор раҳбарлари ўзлари сайёр қабул ўтказмасдан, ўринбосарларини юбораётганликлари, бундан ташқари фуқаролар томонидан сайёр қабулда қилинган мурожаатлар юзаки кўриб чиқилиб, ижобий ҳал этилмаётганлиги танқид қилинди.

Хусусан, Нурота тумани 1-сектор ва Учқудуқ тумани 4-сектор 3 тадан, Навоий шаҳар 1-сектор, 4-сектор, Томди тумани 1-сектор, Хатирчи тумани 4-сектор 2 тадан, Ғозғон шаҳар 4-сектор, Конимех тумани 4-сектор, Қизилтепа тумани 1-сектор, 3-сектор, Учқудуқ 1-сектор, Хатирчи тумани 1-сектор 1 тадан сайёр қабуллар ўтказилмаганлиги;

ўтказилган қабулларда ўртача иштирок этган мурожаатчилар сони Ғозғон шаҳри ва Томди туманида 3 тадан, Қизилтепа туманида 5 тадан, Навбаҳор ва Конимех туманларида 6 тадан тўғри келганлиги, ушбу сектор раҳбарлари томонидан сайёр қабулларнинг номига ўтказилганлиги кўрсатиб ўтилди ҳамда уларга графикдан ташқари белгиланган сайёр қабулларни ўтказишлари ва сайёр қабулларга аҳолини кенг жалб қилишлари бўйича кўрсатмалар берилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Навоий вилояти Халқ қабулхонаси (Қувондиқов), Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси вилоят бошқармаси (Алиев), вилоят ҳокимлиги мурожаатлар билан ишлаш бўлими (Абдиазизов)га “**оғир**” тоифадаги маҳаллаларда вилоят, туман (шаҳар) сектор раҳбарларининг сайёр қабулларини ўтказиш графикини ишлаб чиқиб, тасдиқлаш учун киритишлари ҳамда ушбу маҳаллаларда ободонлаштириш ишлари, маданий тадбирлар ўтказилишига ҳам алоҳида эътибор қаратилиши бўйича вазифалар юклатилди.

Шунингдек, вилоят ҳокимлиги Ахборот хизмати (Раубаева)га сектор раҳбарларининг тасдиқланган графиклари бўйича ўтказилиши белгиланган оммавий сайёр қабулларига аҳолини кенг жалб қилиш мақсадида, ОАВ ва ижтимоий тармоқларда эълонлар берилиши бўйича топшириқлар берилди.

Халқ қабулхонаси (Қувондиқов)га сектор раҳбарлари томонидан белгиланган график асосида сайёр қабулларни ўтказилиши, сифати, ҳаққонийлиги ва йўлланган мурожаатлар ижроси бўйича вилоят ҳокимига ҳар ҳафта якуни билан маълумот киритиб бориши тавсия этилди.

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг вилоят бошқармаси (Алиев)га туман (шаҳар) ҳокимликлари билан биргаликда ободонлаштириш-кўкаламзорлаштириш, хонадонлар атрофи, ошхона ва ҳожатхоналар тозалиги, томорқаларни тартибга келтириш, қабристонлар ва зиёратгоҳларни обод қилиш, еттилик иши самарадорлигини ошириш бўйича маҳаллаларда тушунтириш ва тарғибот ишларини олиб бориши бўйича кўрсатмалар берилди.

Шу билан бирга, ижро интизомини мустаҳкамлаш ҳамда "edo.ijro.uz" электрон тизими орқали назоратга олинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ижросини ўз вақтида ва сифатли қилиб бажарилиши муҳокама қилинди.

Жумладан, вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (Сулаймонов)га “Ягона буюртмачи хизмати” ДУК (Турдиев) билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 8 июлдаги ПҚ-245-сонли қарори 5-бандида, “Ягона буюртмачи хизмати” ДУК буюртмачилигида техник топшириқ, ташкилот ва компанияларга қўйиладиган минимал талаблар асосида белгиланган тартибда Зарафшон шаҳар, Хатирчи ва Қизилтепа туманларини ривожлантириш бўйича мастер-режаларни ишлаб чиқиш учун ташкилотларни танлаб шартномалар тузиш топшириғини якунига етказиш;

Кармана, Қизилтепа, Хатирчи, Нурота туманлари ҳамда Навоий, Зарафшон шаҳарлари ҳокимларига **уч кун муддатда** Давлат Раҳбари бошчилигида 2024 йил 5 февраль куни ўтказилган йиғилиш бўйича тасдиқланган 9-сонли баёнининг 11-банди ижросини таъминлаш мақсадида, ихтисослашган мактабларнинг баҳолаш тизими жорий қилинадиган мактабларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш топшириғини охирига етказиб, назорат ечилишини таъминлаш ҳамда вилоят Иқтисодиёт ва молия бош бошқармаси (**Бобоқулов**) ҳамда Мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси (**Ҳайитова**)га ушбу топшириқ бўйича ишларни биргаликда ташкил қилиб, **уч кун муддатда** ушбу масаланинг ижроси бўйича вилоят ҳокимига ахборот киритиш;

вилоят ҳокими ўринбосари (Ҳикматов)га Қўйи Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси (Садинов), вилоят Адлия бошқармаси (Абдуллаев) билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 7 майдаги 74-сонли Фармони 8-банди ижросини таъминлаш бўйича асослантирилган таклифларни киритиш вазифалари юклатилди.

Йиғилиш кун тартибида аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича белгилаб берилган вазифаларга ҳам тўхталди.

Жумладан, “Ish bering” телеграм гуруҳида энг кўп йўлланган Навоий шаҳар ва Кармана тумани ҳокимларига (*Навоий шаҳрида 161 та мурожатларнинг 17 таси (11 фоиз) ва Кармана туманида 114 та мурожатларнинг 9 таси (8 фоиз)*) мурожатларнинг ижобий ҳал этилиши бўйича кўрсаткичлари пастлиги кўрсатиб ўтилди.

Шунингдек, вилоят ҳокимининг ўринбосарлари (Ғаффоров, Ходжаев)ларга вилоят Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармаси (Хайруллаев) билан ҳамкорликда ҳар куни Навоий шаҳар ва Кармана туманидаги маҳаллаларга бириктирилган вакиллар, сектор раҳбарлари ва маҳалла еттилиги билан аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда “Ish bering” телеграмм гуруҳига йўлланган мурожаатчиларнинг муаммоларини бартараф этиш бўйича олиб борилаётган ишлар натижадорлиги юзасидан ўрганиш ишларини ташкил қилиб, камчиликларга йўл қўйган масъулларга нисбатан белгиланган тартибда интизомий жазо чоралари қўлланишини таъминлаш ҳамда кунлик танқидий муҳокама қилиб бориши бўйича вазифалар юклатилди.

Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (Сулаймонов)га вилоят Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармаси (Хайруллаев) билан ҳамкорликда ҳар куни туман (шаҳар), секторлар ва маҳаллалар кесимида Халқ қабулхонаси ва вилоят ҳокимлигига иш сўраб мурожаат қилган фуқароларнинг бандлигини таъминлаш юзасидан кўрилаётган чоралар бўйича ҳисоботлар юритилишини йўлга қўйиш топшириғи берилди.

Бундан ташқари, Халқ депутатлари вилоят Кенгаши котибияти (Ҳамраев)га Навоий шаҳар ва Кармана тумани сектор раҳбарларининг аҳоли бандлигини таъминлаш юзасидан олиб борилаётган ишлари бўйича ҳисоботлари эшитилишини Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдаги сессияси кун тартибига киритиш топшириғи берилди.

Йиғилишда 4 та туман тажрибасини жорий қилиш бўйича берилган топшириқлар ижросини таъминлаш юзасидан ишлар ҳанузгача етарли ташкил этилмаганлиги танқид қилинди.

Жумладан, **“Сайхунобод тажрибаси”** асосида маҳаллалардаги ҳоким ёрдамчилари ва тижорат банклари ҳамкорликда август ойида 1910 та микролойиҳа ташкил этиш топшириғи белгиланган бўлса, амалда бугунги кунга қадар 98 та ташкил этилиб, белгиланган топшириқ атиги 5 фоизга бажарилганлиги кўрсатиб ўтилди.

**“Уйчи тажрибаси”** асосида август ойида 22 та учрашув ўтказилиб, 6264 нафар фуқаролар бандлиги таъминлаш белгиланган бўлса, амалда атиги 2 та учрашув ўтказилиб, 635 нафар ёки режага нисбатан 10 фоиз аҳоли бандлиги таъминланганлиги танқид қилинди.

Шунингдек, **“Зарбдор”** ва **“Ғиждувон”** тажрибалари бўйича ҳам олиб борилаётган ишлар қониқарли эмаслиги таъкидлаб ўтилди.

Мазкур масала юзасидан йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш бўйича барча даражадаги раҳбарларга кўрсатма ва топшириқлар берилди.

Йиғилиш кун тартибида бюджет даромадлари прогноз кўрсаткичлари ижросини таъминлаш, маҳаллий ер ва мол-мулк солиқларини ундирилиши ва қўшимча манбааларни аниқлаш юзасидан кўрилаётган чораларга ҳам тўхталиб ўтилди.

Хусусан, жорий йил июль оyi учун вилоятга белгиланган 172 млрд.сўм бюджет даромадлари прогноз кўрсаткичи ҳақиқатда 178 млрд.сўмга (103,0 %) бажарилиб, қўшимча 5 млрд.сўм маблағлар жалб қилинган бўлсада, Навоий шаҳрида 1 146,0 млн.сўм (85 %), Карманада 304,0 млн.сўм (93 %), Навбахорда 140,0 млн.сўм (95 %) ва Учқудуқда 21,0 млн.сўм (98 %) белгиланган прогнозга нисбатан тушумлар таъминланмаганлиги масъулларга ўқиб эшиттирилди.

Шунингдек, маҳаллий бюджетнинг бажарилишида асосий манба ҳисобланган жисмоний шахсларнинг мол-мулк ва ер солиқларига жорий йил учун ҳисобланган жами 149,8 млрд.сўм солиқларнинг 85,6 млрд.сўми ёки 57,3 фоизи ундирилиб, 64 млрд.сўм ёки 43,7 фоиз солиқлар (15 апрелда) тўлов муддати ўтган бўлишига қарамасдан фуқаролар томонидан тўланмаётганлиги танқид қилинди.

Бюджет ташкилотларида ишловчи доимий даромад манбаига эга бўлган ишчи-ходимларнинг мол-мулк ва ер солиқларини ундириш бўйича Мактабгача ва мактаб таълими, Соғлиқни сақлаш, Олий таълим фан ва инновациялар ҳамда Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаларига кўрсатмалар берилди.

Вилоятдаги йирик корхоналар (“НКМК” АЖ, “Навоийуран” ДК, “Навоийазот” АЖ, “Қизилқумцемент” АЖ, “Навоий ИЭС” АЖ)га нотурар-жой ва бошқа солиқ олдидаги қарздорликларни бартараф қилиш бўйича ўз тизимида ишловчи ходимлар ўртасида тарғибот ишларини амалга ошириш орқали, қарздорликларни ундиришда ёрдам кўрсатиш топширилди.

Шунингдек, Мажбурий ижро бюроси вилоят бошқармаси томонидан қарздорларнинг мол-мулклари ҳисобидан солиқ қарзини ундириш имконияти мавжуд бўлсада, тўлиқ мажбурий ундирув чоралари кўрилмаслиги натижасида солиқ қарзи бюджетга ундирилмасдан қолаётганлиги сабабли юқори турувчи органига белгиланган тартибда “**тақдимнома**” киритилиши белгиланди.

Йиғилиш кун тартибида, бошқарув сервис компаниялари томонидан ўтган 5 кун (*5-9 август кунлари*) мобайнида **1 181,9 млн.сўм** мажбурий бадал маблағи ундирилганлиги, **Навоий** шаҳар, **Кармана Учқудуқ** туманларида бу борада ишлар қониқарли ташкил этилмаганлиги танқид қилинди.

Шунингдек, кўп квартирали турар-жой фондини 2024/2025 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш юзасидан бошқарув ташкилотлари томонидан 74 та (*режа 491 та*) кўп қаватли уйларни таъмирлаш ишлари, шундан 9 та уйнинг 3,4 минг кв.м том қисми, 51 та кириш йўлаклари, 5 та ички муҳандислик тармоқлари, 74 кв.м фрамуга ойна ромларини ўрнатиш, 66 та кодли қулфли темир эшиклар ўрнатиш ишлари якунига етказилмаганлигига масъулларнинг эътиборини қаратди.

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси (Ниёзов)га шаҳар, туман ҳокимликлари ва тегишли ташкилотлар билан биргаликда фаолият юритиб келаётган бошқарув ташкилотлари томонидан мажбурий ундирилган бадал пулларини “**Менинг уйим**” биллинг дастурига тўлиқ киритилишини ҳамда бошқарув ташкилотлари билан биргаликда мажбурий бадал маблағларидан муддати ўтган қарздорликлар бўйича рўйхатини шакллантириб, мулкдорларнинг иш жойига аниқлик киритган ҳолда корхона (ташкилот) раҳбарларига киритилишини таъминлаш вазифаси юклатилди.

Туман (шаҳар) ҳокимларига кўп қаватли уй-жойлар бошқарув ташкилотларининг куз-қиш мавсумига тайёргарлик аҳволи, кўрсатилган хизматлардан ҳосил бўлган қарздорликларни кескин қисқартириш масалалари бўйича олиб борилаётган ишлари қониқарсиз эканлиги кўрсатиб ўтилди ҳамда ҳар ҳафтада қарздорликни кескин камайтириш мақсадида бошқарув сервис компаниялари ва ширкатлар раҳбарлари билан учрашиб, улар фаолиятини тизимли равишда йўлга қўйиш, ишларни **маҳаллабай** ташкил қилиб, амалга оширилаётган ишлар тўғрисида вилоят ҳокимлигига ахборот бериб бориши бўйича кўрсатмалар берилди.

“Иссиқлик манбаи” ДУК томонидан етказиб берилган маҳсулотлардан дебитор қарздорлик жами 48,3 млрд.сўмни ташкил этиб, дебитор қарздорлик 4,9 млрд.сўмга қисқартирилганлиги, бироқ **Навоий** ва **Зарафшон** шаҳарларида қарздорликлар юқориликча сақланиб қолганлиги танқид қилинди.

Шу билан бирга, “Навоий сув таъминоти” МЧЖ томонидан етказиб берилган тоза ичимлик суви учун вужудга келган қарздорлик август ойининг ўтган 10 куни давомида **1,2 млрд.сўмга** қисқарган бўлсада, ушбу соҳада **Хатирчи** тумани (165,2 млн.сўм) ва **Ўзғон** шаҳрида (12,9 млн.сўм) ишлар етарли даражада ташкил этилмаганлиги сабабли ошишига йўл қўйилганлиги қаттиқ танқид қилинди.

Йиғилишда 2024 йил ҳудудий инвестиция дастури доирасида вилоятда қиймати 760,3 млн долларлик 501 та инвестиция лойиҳаларини ишга тушириш ва шулар ҳисобига 5,8 мингга яқин иш ўринларини яратиш бўйича амалга оширилаётган ишларга ҳам тўхталиб ўтилди.

Бугунги кунда қиймати 2,9 млн. долларлик 6 та лойиҳаларнинг ишга туширилиши кечикиши натижасида 274 та иш ўринлари яратилмасдан қолганлиги танқид қилинди.

Бундан ташқари, ҳудудларда қўшимча лойиҳа таклифларини шакллантириш бўйича топшириқ ижроси юзасидан бирорта лойиҳа тақдим этилмаганлиги кўрсатиб ўтилди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, тегишли масъулларга кўрсатма ва топшириқлар берилди.

Йўл қўйилган камчиликлардан келиб чиқиб, барча даражадаги раҳбарларга ижро интизомини мустаҳкамлаш, кун тартибидаги масалалар юзасидан билдирилган фикр ва мулоҳазалар ҳамда мутасаддиларнинг ҳисоботларини инобатга олиб, йиғилиш

### **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

**1.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг Навоий вилояти Халқ қабулхонаси (**Қувондиқов**), Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг вилоят бошқармаси (**Алиев**), вилоят ҳокимлиги мурожаатлар билан ишлаш бўлими (**Абдиазизов**) **бир кун муддатда** вилоят ҳамда туман (шаҳар) сектор раҳбарларининг сайёр қабулларини ўтказиш графигини ишлаб чиқиб, тасдиқлаш учун киритсин.

Бунда, биринчи навбатда **“оғир”** тоифадаги маҳаллаларда сайёр қабуллар ўтказилиши инобатга олинсин.

Ушбу маҳаллаларда ободонлаштириш ишлари ҳамда маданий тадбирлар ўтказилишига алоҳида эътибор қаратилсин.

**2.** Вилоят ҳокимлиги Ахборот хизмати (**Раубаева**) сектор раҳбарларининг тасдиқланган график бўйича ўтказилиши белгиланган оммавий сайёр қабулларига аҳолини кенг жалб қилиш мақсадида ОАВ ҳамда ижтимоий тармоқларда эълонлар берилишини таъминласин.

**3.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг Навоий вилояти Халқ қабулхонаси (**Қувондиқов**)дан сектор раҳбарлари томонидан белгиланган график асосида сайёр қабулларни ўтказилиши, сифати, ҳаққонийлиги ва йўлланган мурожаатлар ижроси бўйича вилоят ҳокимига **ҳар ҳафта якуни билан** маълумот киритиб бориши сўралсин.

#### **4. Туман (шаҳар) сектор раҳбарлари сайёр қабулларни:**

белгиланган графикдан кам бўлмаган миқдорда, аҳолининг муаммолари ва ҳал қилиниши зарур бўлган масалалардан келиб чиқиб ўтказиш;

қабул ўтказилиши тўғрисида аҳолини олдиндан хабардор қилиш;

иш ёки шахсий кабинетларда эмас, айнан маҳаллаларда, аҳолига қулай бўлган жойларда ўтказиш;

сектор ёки туман даражасидаги масалаларни жойида ҳал этилишига алоҳида эътибор қаратиш;

кўтарилган масалаларни ижобий ҳал этиш, муддат ва катта маблағ талаб этадиганлари бўйича алоҳида назорат ўрнатиб, уларни ҳам охиригача етказиб, ижобий ҳал қилиш чора-тадбирларини кўриш;

вақтида ўтказилмаган сайёр қабулларни графикдан ташқари қўшимча равишда ўтказиш чораларини кўрсин.

**5. Вилоят сектор раҳбарлари** секторлар фаолияти бўйича вертикал назоратини кучайтирган ҳолда, туман (шаҳар) сектор раҳбарларининг фуқаролар мурожаатлари билан ишлаши ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаши бўйича олиб борилаётган ишларининг мунтазам таҳлилини йўлга қўйиб, доимий муҳокама қилиб борсин.

**6. Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг вилоят бошқармаси (Алиев)** туман (шаҳар) ҳокимликлари билан биргаликда ободонлаштириш-кўкаламзорлаштириш, хонадонлар атрофи, ошхона ва ҳожатхоналар тозалиги, томорқаларни тартибга келтириш, қабристонлар ва зиёратгоҳларни обод қилиш, еттилик иши самарадорлигини ошириш бўйича маҳаллаларда тушунтириш ва тарғибот ишларини олиб борсин.

Ушбу масала бўйича қатъий назорат ўрнатилиб, **ҳар ҳафта якуни билан** вилоят ҳокимига ахборот киритиб борилсин.

**7. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (Сулаймонов)** “Ягона буюртмачи хизмати” ДУК (**Турдиев**) билан биргаликда **беш кун муддатда** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 8 июлдаги “Худудларнинг иқтисодий салоҳиятини рўёбга чиқариш ва бўш ер участкаларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-245-сонли қарори 5-бандида, “Ягона буюртмачи хизмати” ДУК буюртмачилигида техник топшириқ, ташкилот ва компанияларга қўйиладиган минимал талаблар асосида белгиланган тартибда Зарафшон шаҳар, Хатирчи ва Қизилтепа туманларини ривожлантириш бўйича мастер-режаларни ишлаб чиқиш учун ташкилотларни танлаб шартномалар тузиш топшириғи ижросини якунига етказиб, назоратдан чиқарилишини таъминласин.

**8. Кармана (Адизов), Қизилтепа (Бобомуродов), Хатирчи (Адизов), Нурота (Файзиев)** туманлари ҳамда Навоий (**Эргашев**), Зарафшон (**Раҳманов**) шаҳарлари ҳокимлари **уч кун муддатда** Давлат Раҳбари бошчилигида 2024 йил 5 февраль куни ўтказилган йиғилиш бўйича тасдиқланган 9-сонли баёнининг 11-банди ижросини таъминлаш мақсадида, ихтисослашган мактабларнинг баҳолаш тизими жорий қилинадиган мактабларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш топшириғини охирига етказиб, назорат ечилишини таъминласин.

Вилоят Иқтисодиёт ва молия бош бошқармаси (**Бобоқулов**) ҳамда Мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси (**Ҳайитова**) ушбу топшириқ бўйича ишларни биргаликда ташкил қилиб, **уч кун муддатда** ушбу масаланинг ижроси бўйича вилоят ҳокимига ахборот киритсин.

Назорати **Ж.Ходжаев ва Э.Авезовга**.

**9. Вилоят ҳокими ўринбосари (Ҳикматов)** Қуйи Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси (**Садинов**), вилоят Адлия бошқармаси (**Абдуллаев**) билан биргаликда **икки кун муддатда** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 7 майдаги 74-сонли Фармони



8-бандида белгиланган, вилоятдаги табиий сув объектларининг сув фонди ерлари Сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги тегишли фойдаланувчи ташкилотларга доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида ажратилишида юзага келган муаммони бартараф этиш ҳамда топшириқ ижросини таъминлаш бўйича асослантирилган таклифларни киритсин.

**10.** Вилоят ҳокимлигининг 5 августдаги (08.08.2024 й, 11-01/75-сон) аппарат йиғилиши баёнидаги топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида қуйидагилар:

**бир ҳафта муддатда** вилоят ҳокими ўринбосари (**Мирзаев**), вилоят Иқтисодиёт ва молия бош бошқармаси (**Бобоқулов**) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 18 июлдаги ПФ-102-сонли Фармони 3-илоvasи 30-банди ижросини таъминлаб, “edo.ijro.uz” электрон тизимдан назоратдан чиқарилишини;

**икки ҳафта муддатда** “Ўзэнергоинспекция” вилоят бошқармаси (**Шомуродов**), “Худудий электр тармоқлари” АЖ вилоят филиали (**Исломов**) электр энергиясини истеъмолини иқтисод қилиш мақсадида ҳудудлардаги қолган 48 та йирик истеъмолчиларнинг электр энергияси истеъмолини 20 фоиз иқтисод қилиш бўйича ташкилий техник тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда корхоналарни “Энергоаудит” кўригидан ўтказиш ишларини якунига етказилишини;

**бир ҳафта муддатда** вилоят ҳокимининг ўринбосари (**Ҳикматов**), вилоят Қишлоқ хўжалиги бошқармаси (**Рашидов**), “Ўзагролизинг” АЖ Навоий вилояти филиали (**Атақулов**) ва туманлар ҳокимлари билан биргаликда пахта терим машиналари сотиб олиш бўйича бошланғич 20 фоиз аванс маблағларини тўлиқ тўлаб берилишини;

**бир ҳафта муддатда** вилоят Иқтисодиёт ва молия бош бошқармаси (**Бобоқулов**), тижорат банклари ва туман (шаҳар) ҳокимликлари билан бирга “**Зарбдор тажрибаси**” асосида белгиланган режадаги иш ўринларини яратиш мақсадида вилоят ишчи гуруҳи томонидан шакллантирилган **195 та** (116 та саноат, 60 та хизмат, 19 та қишлоқ хўжалиги) истиқболли лойиҳаларнинг тармоқ жадваллари тасдиқланишини таъминласин.

**11.** Навоий шаҳар (**Эргашев**) ва Кармана тумани (**Адизов**) ҳокимларига “Ish bering” телеграм гуруҳида энг кўп йўлланган (Навоий шаҳрида 161 та мурожаатларнинг 17 таси (11 фоиз) ва Кармана туманида 114 та мурожаатларнинг 9 таси (8 фоиз)) мурожаатларнинг ижобий ҳал этилиши бўйича кўрсаткичлари пастлиги **кўрсатиб ўтилсин**.

Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари (**Ғаффоров, Ходжаев**) вилоят Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармаси (**Хайруллаев**) билан ҳамкорликда **ҳар куни** Навоий шаҳар ва Кармана туманидаги маҳаллаларга бириктирилган вакиллар, сектор раҳбарлари ва маҳалла еттилиги билан аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда “Ish bering” телеграмм гуруҳига йўлланган мурожаатчиларнинг муаммоларини бартараф этиш

бўйича олиб борилаётган ишлар натижадорлиги юзасидан ўрганиш ишларини ташкил қилиб, камчиликларга йўл қўйган масъулларга нисбатан белгиланган тартибда интизомий жазо чоралари қўлланишини таъминласин ҳамда кунлик танқидий муҳокама қилиш тизимини йўлга қўйсин.

Амалга оширилган ишлар натижадорлиги бўйича **ҳар ҳафта якуни билан** вилоят ҳокимиغا ёзма ахборот киритсин.

**12.** Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (**Сулаймонов**), вилоят Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармаси (**Хайруллаев**) билан ҳамкорликда бугундан бошлаб **ҳар куни** туман (шаҳар), секторлар ва маҳаллалар кесимида Халқ қабулхонаси ва вилоят ҳокимлигига иш сўраб мурожаат қилган фуқароларнинг бандлигини таъминлаш юзасидан кўрилаётган чоралар бўйича ҳисоботлар юритилишини йўлга қўйсин.

Туман (шаҳар) ҳокимлари, сектор раҳбарлари ва маҳаллаларга бириктирилган вакиллар биринчи навбатда **“Ish bering”** телеграм гуруҳига, **Халқ қабулхонасига** ва **вилоят ҳокимлигига** иш сўраб мурожаат қилган фуқароларнинг бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратсин.

Назорати **Э.Авезовга**.

**13.** Халқ депутатлари вилоят Кенгаши котибияти (**Ҳамраев**) Навоий шаҳар (**Эргашев, Норқобилов, Яхёев, Эргашев**) ва Кармана тумани (**Адизов, Барнаев, Адбураимов, Ахмедов**) сектор раҳбарларининг аҳоли бандлигини таъминлаш юзасидан олиб борилаётган ишлари бўйича ҳисоботлари эшитилишини Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдаги сессияси кун тартибига киритсин.

**14.** Шаҳар ва туман ҳокимликлари, тижорат банклари билан биргаликда **“Сайхунобод тажрибаси”** асосида маҳаллаларда август ойида ташкил этилиши белгиланган 1910 та микролойиҳаларни **ой якунига қадар** тўлиқ ташкил этилишини таъминлаш чораларини кўрсин.

**15.** Вилоят Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармаси (**Хайруллаев**), вилоят Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш бошқармаси (**Эгамназаров**) шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳамда маҳаллалардаги “ҳоким ёрдамчилари” билан биргаликда оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида ажратилган 10273 та кредит маблағларини (4632 та киритилган) **ўн беш кун муддатда** платформага тўлиқ киритилишини таъминласин ҳамда натижаси бўйича вилоят ҳокимлигига ахборот киритсин.

**16.** Конимех (**Рўзиев**), Навбаҳор (**Ўроқов**) ва Кармана (**Адизов**) туманлари деҳқон хўжаликларни рўйхатдан ўтказиш бўйича август ойи режасини **25 августга қадар** тўлиқ якунлаш чораларини кўрсин.

**17.** Зарафшон шаҳар (**Раҳманов**) ва Нурота (**Файзиев**), Кармана (**Адизов**) туманлари ва қолган ҳудудлар ҳокимликлари якка тартибдаги тадбиркор (ЯТТ)ларни рўйхатдан ўтказиш режасини **ўн беш кун муддатда** бажарилишини таъминласин.

**18.** Шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳамда тижорат банкларига: **август оyi якунига қадар “Уйчи тажрибаси”** асосида 22 та учрашув ўтказиб, 6264 нафар фуқароларнинг тўлиқ бандлигини таъминлаш чораларини кўрсин.

**уч кун муддатда “Зарбдор тажрибаси”** асосида 8,2 минг нафар аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича шакллантирилган лойиҳаларнинг тармоқ жадвалларини тасдиқлаб вилоят ҳокимлигига киритсин.

Белгиланган муддатда тармоқ жадваллари тасдиқланишини таъминламаган масъулларга кескин чоралар кўрилиши белгилаб қўйилсин.

**19.** Навоий шаҳар (**Эргашев**), Хатирчи тумани (**Адизов**) ҳокимлари **“Ғиждувон тажрибаси”** асосида “тепага ўсадиган” (вертикал) саноат биноларини ташкил қилиш ва легаллаштириш бўйича Навоий шаҳрида 3 та, Хатирчи туманида 2 та маҳаллаларни **бир кун муддатда** танлаб олиб, ишларни бошласин.

**20.** Шаҳар, туман ҳокимликлари, сектор раҳбарлари, солиқ органлари ва масъуллар ўзини-ўзи банд қилган фуқароларни ижтимоий тўловларни амалга оширишини **ўн кун муддатда** тугатиш чораларини кўрсин.

**21.** Туман (шаҳар) ҳокимлари меҳнат миграциясидан қайтган фуқароларнинг тўлиқ бандлигини таъминлаб, натижаси бўйича 1 сентябрга қадар вилоят ҳокимлигига ахборот берилсин.

**22.** Жорий йил июль оyi учун белгиланган бюджет даромадлари прогноз ижросини таъминланмаганлиги учун Навоий шаҳар (**Эргашев**), Кармана (**Адизов**), Навбахор (**Ўроқов**) ва Учқудуқ (**Шакарров**) туманлари ҳокимлари расман огоҳлантирилсин.

**23.** Вилоят ҳокимлиги ташкилий-кадрлар гуруҳи (**Авезов**) **бир кун муддатда** Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириқлари ижросини таъминламаганлиги, ўзига юклатилган лавозим мажбуриятини лозим даражада бажармаганлиги, қарздорларнинг мол-мулклари ҳисобидан солиқ қарзларини мажбурий ундирув чоралари кўрилмаганлиги ва ишда йўл қўйган камчиликлари учун Мажбурий ижро бюроси вилоят бошқармаси бошлиғи **А.Қиличев**га нисбатан қонунчиликда ўрнатилган тартибга кўра Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросига тақдимнома киритилишини таъминласин.

**24.** Вилоят Мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси (**Ҳайитова**), вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси (**Сафоев**), вилоят Олий таълим фан ва инновациялар бошқармаси (**Тўхтаев**), вилоят Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармаси (**Хайруллаев**) тасарруфидаги ташкилотларда ишловчи ишчи-ходимларга қонунчиликда ўрнатилган тартибни тўғри тушунтирган ҳолда, мол-мулк ва ер солиқларидан тўлашга қолаётган қарздорликларини ундирилишида амалий ёрдам кўрсатсин ҳамда натижадорлиги юзасидан **ҳар ҳафта якуни билан** вилоят ҳокимлигига ахборот киритиб борсин.

25. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (**Сулаймонов**), вилоят Солиқ бошқармаси (**Назаров**), вилоят Иқтисодиёт ва молия бош бошқармаси (**Бобоқулов**) шаҳар ва туман ҳокимликлари билан биргаликда 2024 йил август ойида бюджет даромадлари (контингент) учун белгиланган 162,0 млрд.сўм ҳамда маҳаллий бюджет даромадларига белгиланган 210,0 млрд.сўм тушум прогнози бажарилишини сўзсиз таъминласин.

26. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (**Сулаймонов**), вилоят Иқтисодиёт ва молия бош бошқармаси (**Бобоқулов**), вилоят Солиқ бошқармаси (**Назаров**) вилоятда фаолият кўрсатаётган йирик корхона ва ташкилотлар ҳамда бюджетдан молиялаштириладиган ташкилот ва муассасалар раҳбарлари, маҳалла фуқаролар йиғини раислари ҳамда “ҳоким ёрдамчилари” билан ҳамкорликда фуқароларнинг ҳамда корхона ва ташкилотларда ишловчи ишчи-ходимларнинг жорий 2024 йил учун ҳисобланган ҳамда ўтган йиллардан тўланмасдан қолган жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк ва ер солиғидан мавжуд қарздорликларини тарғибот–ташвиқот ишларини амалга оширган ҳолда тўлиқ ундириш чора-тадбирларини кўрсин.

27. Вилоятдаги йирик корхоналар (“НКМК” АЖ, “Навоийуран” ДК, “Навоийазот” АЖ, “Қизилқумцемент” АЖ, “Навоий ИЭС” АЖ) раҳбарлари нотурар-жой ва бошқа солиқ олдидаги қарздорликларни бартараф қилиш бўйича ўз тизимида ишловчи ходимлар ўртасида тарғибот ишларини амалга ошириш орқали, қарздорликларни ундиришда амалий ёрдам кўрсатсин.

28. Туман (шаҳар) ҳокимлари юқорида қайд этилган камчиликлардан жиддий хулоса қилиб, бюджет тушумларини бажариш, мол-мулк ва ер солиқларини ундириш ишларини шахсан ўз назоратига олиб, белгиланган вазифаларни тўлиқ ижро этилишини ташкил қилсин.

29. Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси (**Ниёзов**):

шаҳар, туман ҳокимликлари ва тегишли ташкилотлар билан биргаликда фаолият юритиб келаётган бошқарув ташкилотлари томонидан мажбурий ундирилган бадал пулларини “**Менинг уйим**” биллинг дастурига киритиб борилишини;

**икки кун муддатда** бошқарув ташкилотлари билан биргаликда мажбурий бадал маблағларидан муддати ўтган қарздорликлар бўйича рўйхатини шакллантириб, мулкдорларнинг иш жойига аниқлик киритган ҳолда корхона (ташкилот) раҳбарларига етказилишини таъминласин.

30. Барча бюджет ташкилотлари, йирик корхона ва ташкилотлар раҳбарлари ишчи ходимларининг коммунал хизматлар учун тўловларни ўз вақтида амалга ошириш бўйича амалий ёрдам кўрсатиб борсин.

31. Мажбурий ижро бюросининг вилоят бошқармаси (**Қиличев**) бошқарув ташкилотларининг мажбурий бадаллар бўйича дебитор қарздорликларини аҳолидан ундириш бўйича зарурий чораларни кўрсин ҳамда **ҳар ҳафта якуни билан** вилоят ҳокимлигига ахборот киритиб борсин.

**32.** Туман (шаҳар) ҳокимларига:

кўп қаватли уй-жойлар бошқарув ташкилотларининг куз-қиш мавсумига тайёргарлик аҳволи, кўрсатилган хизматлардан ҳосил бўлган қарздорликларни кескин қисқартириш масалалари бўйича олиб борилаётган ишлари қониқарсиз эканлиги кўрсатиб ўтилсин;

**ҳар ҳафтада** қарздорликни кескин камайтириш мақсадида бошқарув сервис компаниялари ва ширкатлар раҳбарлари билан учрашиб, улар фаолиятини тизимли равишда йўлга қўйиш, ишларни **маҳаллабай** ташкил қилиб, амалга оширилаётган ишлар тўғрисида вилоят ҳокимлигига ахборот бериб борсин.

**33.** Шаҳар ва туман ҳокимлари, сектор раҳбарлари ҳудудларга бириктирилган тижорат банклари билан биргаликда ҳудудий инвестиция дастурлари доирасида:

**уч кун муддатда** ўтган йилга нисбатан иш ўринлари камайиши ўрнини қоплаш учун шакллантирилиб, тақдим этилган лойиҳаларнинг тармоқ жадвалларини тасдиқланишини;

**бир ҳафта муддатда** ишга тушмаслик ҳавфи мавжуд лойиҳалар ҳисобига яратилмай қолиши мумкин бўлган иш ўринларидан кам бўлмаган, жорий йилда ишга тушадиган лойиҳа таклифларини пухта шакллантириб, тасдиқланган тармоқ жадвалларини вилоят ҳокимлигига тақдим этсинлар.

Назорати **Э.Ғаффоровга**.

**34.** Марказий банк вилоят бош бошқармаси (**Пардаев**) тижорат банклари ҳамда туман (шаҳар) ҳокимликлари билан бирга ҳудудий инвестиция дастуридаги кредит ажратилмаган лойиҳаларга кредитларни ажратилишини тезлаштириш чораларини кўрсин.

**35.** Вилоят инвестициялар, саноат ва савдо бошқармаси (**Бахриддинов**) туман (шаҳар) ҳокимликлари билан биргаликда вилоятнинг жорий йилги инвестиция дастуридаги муаммоли лойиҳаларни аниқлаб, уларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирларини вилоят ҳокимлигига киритсин.

**36.** Вилоят ҳокими ўринбосари (**Ғаффоров**) вилоятнинг жорий йилги ҳудудий инвестиция дастури ижроси бўйича масъулларга белгиланган вазифалар ижроси натижадорлигини доимий муҳокама қилиб борсин.

**37.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисининг 2024 йил 2 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон - 2030” стратегиясини “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” 2024 йил 21 февралдаги ПФ-37-сонли Фармонининг 2024 йил I ярим йиллик яқунлари бўйича бажаралиши юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасига тақдим этиладиган ҳисоботига тайёргарлик тўғрисида”ги 83-сонли баёни маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

Вилоят ҳокими ўринбосарлари:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 21 февралдаги “Ўзбекистон - 2030” стратегиясини “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-37-сонли Фармони ва давлат дастурида ўзларига бириктирилган бандлар ижроси юзасидан шахсий назоратни оширсин ҳамда уларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли бажарилишини таъминлаш бўйича барча тезкор чораларни кўриб борсин;

Фармон ва давлат дастури ижроси юзасидан амалга оширилган ишлар бўйича таҳлилий маълумотларни ҳар ойнинг 25-санасига қадар мониторинг гуруҳига киритиб борилишини;

ҳар чорақда комплекс раҳбарлари томонидан Фармон ва давлат дастури ижроси юзасидан халқ депутатлари вилоят Кенгашига ҳисобот тақдим этиб борилишини таъминласин.

**38.** Мазкур йиғилиш баённомаси ижро назоратини ўз зиммамда қолдириб, мониторингини олиб бориш Ташкилий-кадрлар гуруҳи (Авезов), Ахборот-таҳлил гуруҳи (Бобомуродов) ва Ижро интизоми назорати бўлими (Намозов) зиммасига юклансин.

**Баёнлаштирди**



**Ф.Эшбоев**